

Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
бўй-да
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: info@xs.uz

2005 йил 8 январь, № 6 (3551)

Шанба

Халқ. Демократия. Сайловлар

Эртага Олий Мажлис Қонунчилик палатасига сайлов ўтказувчи 58 та ва маҳаллий Кенгашларга сайлов ўтказувчи 946 та сайлов округида такрорий овоз бериш бўлиб ўтади. Тегишли сайлов округлари ва участкалари бу муҳим тадбирга ҳозирликни ниҳоясига етказмоқда.

МАҲАЛЛАДАГИ САЙЛОВЧИЛАР

такрорий овоз беришга
фаол қатнашадилар

Ўз ҳақ-ҳуқуқларини англаб етатган фуқароларнинг турли сиёсий тадбирларда фаол иштирокини кузатиб, юртимизда демократиянинг ривожланиб бораётганидан кўнглимиз кўтарилди. Табиийки, фуқаро ўз-ўзини бошқаришни ўрганса, жамиятда тенглик, адолатлик вужудга келади. Фуқаролик жамиятининг асосий белгиси ҳам ана шунда. Яъни, давлатнинг вазифа ваколатларини жамоат ташкилотларига босқичма-босқич ўтказиш орқали фуқароларнинг ижтимоий фаоллигини, сиёсий маданиятини оширишдан иборатдир. Маҳалла эса ана шу тамойилларга риоя этган ҳолда фуқароларга кўмак беради. Биз ана шундай маҳаллалардан бирида бўлиб, бунга яна бир қарра амин бўлдик.



495 - САЙЛОВ УЧАСТКАСИ

Пойтахтимизнинг Шайхонтоҳур тумани Янги Камолон маҳалласи марказида 495-сайлов участкаси жойлашган.

Маҳалламиз ҳудудида 18 та кўпқаватли уй мавжуд бўлиб, 3328 нафар фуқаро истиқомат қилади, — дейди маҳалла фуқаролар йиғини раиси Қаждор Содиков (суратда у маҳалла фаоллари билан). — Бу ерда, 1250 та оиланинг тинч-тотувлиги учун масъулимиз. Ҳар бир уйнинг уз оқсоқоли бор. Биз улар билан ҳамкорликда ишлаймиз. Кўриб турганимиз

гиздек, айни пайтда такрорий овоз бериш тадбирига тайёргарлик кўраёلمиз. Комиссия аъзолари сайловчилар рўйхатини қайтадан тузиб чиқишди. Ўтган сайловда 2200дан ортиқ фуқаро овоз беришда иштирок этган бўлса, такрорий овоз беришда 2330 нафар сайловчининг иштироки кутилмоқда. Бир нарсани очиб айтишим керак, тадбирларнинг юқори савияда ўтиши маҳаллага боғлиқлигини ўз иш тажрибамда кўрдим. Чунки маҳалла фуқароларга ҳар қандай шароитда кўмак

беради, оғирини енгил қилади. Айни пайтда оилаларнинг тинчлиги, аёлларнинг оиладаги ўрни борасида амалга оширилаётган ишлар фикрининг далилидир. Албатта, маҳалла ҳар биримизники. Унинг ютуқлари ҳам, муваффақиятлари ҳам ўзимизга тегишли. Раис бова таъкидлаганидек, маҳаллада истиқомат қилаётган фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш нафақат ўзимиз, балки юрт истиқболи учун ҳам муҳим аҳамият касб этади. — Такрорий овоз бериш

ҳақида фуқароларимиз тўла маълумотга эга бўлишди, — дейди маҳалланинг маданий, маърифий ахлоқий тарбия бўйича маслаҳатчиси Машкура Камолова. — Ушбу тадбирга аёлларнинг фаолликларини янада ошириш учун астойдил ҳаракат қилаямиз. Ўзингизга маълум, кўпчилик аёллар уйда ўтиришади. Уларга такрорий овоз бериш тадбири тўғрисида тушунтириш ишларини олиб бориб, амин бўлдимки, ҳозирги аёллар олдингиларидан анча фарқ қилади. Улар ўз

ҳуқуқларини, оиласи манфаатларини яхши англайдилар. Хонадонларда бўлганимизда аёлларнинг дунёқараши, фикрлашидан, тўғриси, қувондим. Эеро, бизнинг яхши яшашимиз сиёсий тадбирларда фаол иштирокимизга ҳам боғлиқ. Юқорида маҳалланинг ҳаётимизда тугган ўрни ҳақида фикр билдиргандик. Янги Камолон маҳалласида олиб борилаётган ишларни кўриб, баъзи мулоҳазаларни билдиришни лозим топдик. Маҳалла оқсоқоли такрорий овоз бериш тадбирида

ногиронлар, кексалар ҳусусида гапириб, улар учун махсус қутилар ташкил қилинганини сайловчига кўрсатилган эътибор, дея баҳолади. Тенглик, ошқоралик, эркинлик тамойиллари асосида ўтказилиши кутилаётган такрорий овоз бериш тадбирида ҳам бу ҳолатлар инobatга олинади. Умуман, маҳалла, унинг аҳли давлат бошқаруви ишларига тобора фаолроқ қатнашмоқда.

Зиёда АШУРОВА,
«Халқ сўзи» мухбири,
Рашид ГАЛИЕВ олган
сурат.

Жаҳон матбуоти 2004 йил 26 декабрь кuni Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига бўлиб ўтган сайловлар яқунларини шарҳлашда давом этмоқда.

Очиқ ва ошқора

Туркияда нашр этиладиган «Орта Догу» газетаси Ўзбекистонда сайловлар жараёнини бевоқиф кузатган журналист И.Улқунинг таҳлилий материални эълон қилган: «Мен сайловлар осойишта вазиятда ва сайловчиларнинг фаол иштирокида ўтганининг гувоҳи бўлдим, — деб ёзди Ирфан Улқу. — Тошкентда ва мамлакатнинг барча вилоятларида компьютерлар ҳамда факсимал алоқа билан таъминланган сайловларни кузатиш марказлари ташкил қилинди. Бу ерда журналистлар ўзлари хоҳлаган барча ахборотларни олиш имконига эга бўлдилар. Бундан ташқари республика сайлов қонунчилиги ҳақида маълумотнома инглиз тилида чоп этилиб, хорижлик кузатувчилар орасида тарқатилди».

Мисрнинг «Ас-Сибий» газетасидаги мақола «Ўзбекистон парламентига сайловлар — демократия тўйи» деб номланган. Материал Ўзбекистонга халқаро кузатувчи сифатида ташриф буюрган газета бош муҳаррири ўринбосари Муҳаммад Салома томонидан тайёрланган. Муаллиф сайловлар демократик нормаларга мос, эркин, очик-ойдин ва рақобат руҳида ўтганини эътироф қилиш учун барча асослар борлиги ҳақида фикр билдирган. М.Салома биринчи турда сайлов округларининг қарийб ярмида голиб аниқланмагани ва шу боис 2005 йил 9 январь кuni уларда қайта овоз бериш бўлиб ўтишини фикрининг тасдиғи сифатида келтирган.

«Баъзи халқаро ташкилотлар вакилларининг пессимистик баҳоратларига қарамадан Ўзбекистонда ўз номзодлари учун овоз бериш мақсидида кўплаб фуқаролар сайлов участкаларига келишди, — деб ёзди АҚШнинг етакчи ҳафталик нашрларидан бири — «Уикли Стандард» мухбири Стефан Шварц «Frontpagemag.com» интернет-нашрида. — Марказий Осиёнинг ўзбу республикасида демократик жамият бунёд этишининг барқарор динamikаси кузатилмоқда».

Маҳмуд БОБОНАЗАРОВ,
«Жаҳон» АА.

Ҳамжиҳатлик ютади

Абдуллоқ ака Маликов Избоскан туманининг Гузар маҳалласида яшайди. Узоқ йиллар трактор рулини бошқариб нафақага чиққан бўлишига қарамай бир оғи ҳамон 12-мактабда. Рус, араб тилларини «сув қилиб ичиб юборган» ўша одам тунов кuni сайловдан сўз очган кўни-кўшиларига шундай деди:

— Кимни танлаймиз-у, кимни сайлаймиз дейсиз-лорми? Ўзимиз билган, ишонган, эл қорига ярайдиган номзод учун овоз берамиз-да. Биз сайлов депутат ҳаммини бирдўй кўрдиган камтарин бўлса, нафақат маҳалла, қишлоқ балки, юрт ровноқи, келажаги ҳақида жонбозлик кўрсатса, фидойилик қил-

са қандай яхши. — Оқсоқолимиз Ўлжабойга раҳмат, — деди гузарликлар отахони Тўхташбои Усмонов. — Озмунча ташвиқот олиб бормади. Биз, сайловчиларнинг бошини бир ерга қовуштирдик. Ҳамма ни ҳамжиҳат бўлиб, такрорий овоз беришда фаол бўлишга даъват қилаяпти.

Ўлжабой ака Қамчиев маҳаллабоши бўлган гузарликлар 26 декабрда бўлиб ўтган сайловлардагидек бу гал ҳам 11-мактабда жойлашган 492-сайлов участкасига ташриф буюрадилар. 21-Избоскан сайлов округидан республика Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодлар учун такрорий овоз берадилар. — 2800 нафар сайловчи рўйхатга олинган, — дейди биз билан суҳбатда участка сайлов комиссияси раиси Орибжон Волижонов. — Уларнинг такрорий овоз бериш-

ри учун барча зарур шарт-шароит яратилди. Бой маҳалла, Узун кўча, Қўрғонча сингари маҳаллаларда бўлиб, кенг тушунтиришлар олиб бордик. Шунинг алоҳида таъкидлаш жоизки, ўзини ўзи бошқарув органлари, фуқаролар мамлакатимизда рўй бераётган сиёсий жараёнларда фаол иштирок этмоқдалар. Конституцияда белгилаб қўйилган сайлов ва сайланиш ҳуқуқидан тўла фойдаланмоқдалар.

О. ШОДНОАЛИЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Демократия менга ёрдам берди

Мен таҳсил кўраётган илм даргоҳида талабаларга Ўзбекистон Конституциясини бутун бобу моддаларининг шарҳлари билан яхши ўргатишди. Шу тўғрисида Асосий Қонунимизни севиб мўтолаа қиламиз. Унинг 117-моддасида «Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари давлат ҳокимияти ва вакиллик органларига сайлаш ва сайланиш ҳуқуқига эгадилар», дейилган. Ана шу сатрларни ўқиб, ўтган йили 26 декабрь сайлов кuni анча афсуслангандим. Негаки, менинг тенгқурларимнинг аксарияти ўша кuni сайлов участкаларига бориб илк бора овоз беришди. Сайлов яна ўн уч кундан кейин, яъни 2005 йил 8 январь кuni бўлганида мен ҳам уларнинг сафига қўшилдим ва Ватанимизнинг келажа-

ига хизмат қилишга муносиб номзодлар учун овоз бераддим, деб уйлаганларим эсимда. Ушунда такрорий овоз бериш ўтказилиши мумкинлиги ҳаёлимга ҳам келмабди. Ҳуқуқий демократик давлат ва эркин фуқаролик жамияти кураётган юрtdошларимизнинг онгу тафаккури, сиёсий қарашлари тобора шаклланиб бораётганлигига кечаги сайловда яна бир қарра амин бўлдим. Бошқаларни билмадимиз мен ҳали Ўзбекистон сайловлари тарихида мавжуд округларнинг салкам ярмида такрорий овоз берилган ҳақида эшитганим ҳам, ўқиганим ҳам йўқ. Бизда эса халқ хоҳиши иродасини эркин билдиргани учун шундай бўлди. Кuni кеча хонадонимизга Тош-

кент шаҳридаги 5-Кўйлик сайлов округига қарашли 309-сайлов участкаси вакили келиб ота-онамга ва, қарангки, менга ҳам сайловда овоз бериш учун тақлифнома ташлаб кетди. Ростини айтсам, роса қувондим. Ҳа, демократия менга ёрдам берди. Сайловда қатнашиш, халқимизнинг муносиб вакилларига овоз бериш учун, ким билди дейсиз, яна беш йил куттишим керакми? Насиб қилса, эртага эрта тонгда биринчилар қаторида сайлов участкасига бораман ва ўзим севган партия учун, унинг номзоди учун, энг муҳими, Ватанимнинг порлоқ келажаги учун илк марта овоз бераман.

Муштарий БОЛИЕВА,
Тошкент Молия институтининг
иккинчи курс талабаси.

САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов номига хорижий давлатлар ва ҳукуматлар, халқаро ташкилотлар раҳбарларидан Янеи, 2005 йил бошланиши муносабати билан Ўзбекистон халқига тинчлик, осойишталик, бахт-саодат ва раънақ тилаб, ўзларининг эзгу ниятлари изҳор этилган самимий қутловлар ҳамон келиб турибди. Қўйидагилар давлатимиз раҳбарига самимий қутловлар йўллашган:

- Европа Иттифоқи Кенгаши Бош котиби Хавьер Солана;
- НАТО Бош котиби Яап де Хооп Схеффер;
- Туркия Республикаси Президенти Ахмет Нежмет Сезер;
- Туркия Республикаси Бош вазири Режеп Таййип Эрдоган;
- Исроил Давлати Президенти Моше Каанав;
- Ирландия Президенти Мэри Макэллис;
- Польша Республикаси Президенти Александ Квасьневский;
- Венгрия Республикаси Президенти Ференц Мадл;
- Сербия ва Черногория Президенти Светозар Марович;
- Греция Республикаси Президенти Константинос Стефанопулос;
- Бразилия Республикаси Президенти Луиз Игнасио Дула да Сильва;
- Мальта Президенти Лоуренс Гонци.

Исроилда уч қитъа полвонлари беллашмоқда

Миллий қадриятларимиздан саналган ўзбек кураши жаҳон спорт майдонларида дадиллик билан кўриб бормоқда. Бугун Исроил давлатидаги мухташам «Хапоэл» спорт мажмуасида ўзбек кураши бўйича йилнинг биринчи — «Olympic Hope» — «Олимпия умидлари» халқаро турнирига старт берилди. Исроил кураш федерацияси ташаббуси билан ўтказилаётган мазкур мусобақада Европа, Осиё ва Африка қитъаларидаги давлатлардан келган умидли ёш

полвонлар иштирок этмоқда. Кураш Халқаро Ассоциацияси матбуот хизматида олинган хабарларга қараганда, халқаро турнирда 1991-93-йилларда туғилган ўғил болалар ўн бир, қиз болалар ўн вазн тоифасида, 1989-90-йилларда туғилган ўғил болалар ўн бир, қиз болалар эса тўққиз вазн тоифасида голиблик учун ҳарорат беллашмоқдалар.

Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ШОНЛИ САНА АРАФАСИДА

Ватан ҳимоячилари кuni ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил топганининг 13 йиллиги арафасида пойтахтимиздаги Марказий офицерлар уйида матбуот анжумани бўлиб ўтди. У ҳозирги босқичда Қуролли Кучларнинг ислох қилиниши мавзусига бағишланди. Мудофаа вазирининг ўринбосари А.Мухомедов, вазириликнинг қаҳирву ва резервдаги қизларини тайёрлаш бўлими Б.Мирзамухамедов ва бошқалар Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов мамлакатимиз сарҳадларининг дахлсизлигини таъминлаш ва ҳудудий ахлитлигини сақлашга, эл-юртимизнинг осуда ҳаётини ишончли ҳимоя қилишга қодир, замонавий қурол-аслаҳа ва техника билан таъминланган, бугунги кун талабларига тўлиқ жавоб берадиган Қуролли Кучларни шакллантириш борасида алоҳида ғамхўрлик қўрсатганини таъкидладилар. Мамлакатимизда ана шундай тамоман янги, професионал армияни шакллантириш бўйича кенг қўламадаги ислохотлар изчил амалга оширилмоқда. Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатларининг Қуролли Кучлари орасида илк бор юртимизда моделлаштириш ва симуляция маркази ишга туширилди. Мазкур даргоҳ ҳарбий кадрларни ўқитиш ва бошқарув органлари учун малакали мутахассислар тайёрлашда, кўшинлар фаолиятига энг янги технологияларни кенг татбиқ этиш ва ҳарбий соҳада илмий-тадқиқот ишларини олиб беришда самарали хизмат қилмоқда. Муддатли ҳарбий хизмат бир йил эътиб белгиланди, сафарбарлик қаҳирву резервдаги хизмат жорий этилди. Натигада кўшинларни тайёрлаш, техника ва таъминлаш сифатини яхшилаш, ҳарбий хизматчилар турмуш даражасини юксалтириш, Ватан мудофааси учун етарли резервчилар армиясини шакллантириш имконияти яратилди. Мамлакатимизда 2005 йил Сихат-саломатлик йили деб эълон қилиниши муносабати билан армияда соғлом турмуш тарзини янада мустаҳкам қарор топтиришга алоҳида аҳамият берилаётган. Ҳарбий хизматчиларни озиқ-овқат билан таъминлашда илмий асосланган янги меъёрлар жорий этилди. Муддатли ҳарбий хизматни ўтаб қайтган ёшларга алоҳида ғамхўрлик қўрсатилмоқда. Уларни иш билан таъминлашда, олий ўқув юртида ўқиш истагида бўлган ибратли аскарларга тегишли тартибда имтиёзлар бериш йўлга қўйилди. Матбуот анжуманида журналистларни қизиқтирган саволларга жавоб қайтарилди. Турсунбой БОТИРБЕКОВ, ЎЗА мухбири.

Қарор ва ижро

Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 4 ноябрдаги қарорига кўра ташкил этилган "Ўздавдонинспекция"сига қорхоналарга динни қабул қилиш, уни сақлаш, қайта ишлаш ва экспорт-импорт операцияларида маҳсулотнинг сифатини белгилашда давлат стандартлари, техник шартлар талабларига риоя этилишини назорат қилиш вазифаси юклатилган. Шунингдек, давлат ресурсларига қабул қилинган галлада белгиланган мақсадларда оқилона фойдаланишни назорат қилиш, дон ва ундан қайта ишланган маҳсулотларнинг сифатини ошириш бўйича давлат сибсатини шакллантириш юзасидан тақлифлар тайёрлаш ҳам унинг зиммасидадир.

Жиззах, Самарканд, Сурхондарё, Хоразм вилоятларида етиштирилган "Крошка", "Половчанка", "Марс-1", "Княжинка", "Сангзор-4", "Сангзор-6", "Маржон", "Грекум",

кистон, Қозоғистон, Молдова, Озарбойжон, Беларусь, Грузия, Россия ва Украина каби давлатларга бир неча юз минг тонна буғдой, ун, гуруч ва крупа маҳсулотлари сотил-

"Оқолтиндон", "Жума элеватори", "Каттакўрғондон", "Оқтошдон", "Муборакдон", "Дустликдон" ва "Бекобод ун" акциядорлик жамиятларида ва "Самдон инвест" шўба қорхо-

ган. Давлат ресурсларига қабул қилинган галлада бундай муносабатни кечириб бўлмайди, албатта. Бунинг учун айбдорлар жавоб беришлари зарур.

Биз ушбу масалага оидлик қиритиш мақсадида "Ўздонмаҳсулот" компаниясининг мутасадди раҳбарларига мурожаат қилдик. Уларнинг берган маълумотларига кўра, республика дон маҳсулотларини химоя қилиш инспекцияси зарарланган галлага қимёвий қайта ишлов бериш чора-тадбирларини кўрган. Айни пайтда бу иш ниҳоясига етган бўлиб, мутахассислар зарарланган доннинг қанча қисми истемолга яроқли эканлигини аниқлашмоқда. "Ўздонмаҳсулот" компаниясининг дарҳол аҳолини ўнглаш чораларини кўрганлиги ижобий ҳол, албатта. Лекин бундай салбий ҳолатнинг юз беришида, маълум даражада бўлса-да, уларнинг ҳам айби бор.

Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлиги мутахассисларининг маълумотларига кўра, бир тонна буғдойни етиштириш учун 65,3 минг сўм сарфланар экан. Шундан юқоридаги аҳолининг қанча зарар келтириётганини билиб олаверинг. Деҳқонларимизнинг пешона тери эвазига етиштирилган галлага бундай берақлик ва совуққонликни ҳеч нима билан оқлаб бўлмайди!

Ҳосил КАРИМОВ, "Халқ сўзи" мухбири.

ТЕЛЕВИЗОРДА ИНТЕРНЕТГА УЛАНИНГ

ТОШКЕНТ (ЎЗА мухбири) Лазиз РАҲМАТОВ).

Буюк Британиянинг "Freedomland" компанияси телевизор орқали интернет тизимига кириш имконини берувчи "NetBox" қурилмасини юртимиз аҳолисига кенг қўламда сотишга киришганига кўп бўлгани йўқ. Лекин 2004 йил охиригача йигирма беш мингта ана шундай нобъ техника воситаси етказиб берди.

"NetBox" аппарати интернет тизимига телевизор орқали уланиш имконини беради, — деди ушбу компаниянинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси бош директори Мухаммад Харон Чоудри. — Айни пайтда ундан ривожланган давлатларда бир миллиондан ортиқ киши самарали фойдаланяпти.

Бу замонавий қурилма мактаб ва олий ўқув юрларида дарс ўтишда, кинотеатрларда, меҳмонхоналарда фильмлар намойиш этишда, зарур ақборот ва тасвирларни олишда, айниқса, кўп келади. "NetBox" айна вақтда интернетдаги маълумотларни принтер орқали қўроғга кўчириш имконини беради ва факс вазифасини ҳам ўтайди.

ТАЙЁРГАРЛИК ҚИЗҒИН

ГУЛИСТОН (ЎЗА мухбири) А.АДИЗОВ).

"Мирзаобод машина-трактор парк"и акциядорлик жамияти жамоаси 30 та севялқадан олти тасини тўлиқ таъмирлаб қўйди.

Баҳорги экиш мавсумигача севялқалардан ташқари 24 та "МТЗ-80" ва "ТТЗ-80-10" тракторини таъмирлашимиз зарур, — дейди жамият раиси М.Туксенбоев. — Иш икки сменада ташкил этилган. Операторлар, токарлар ва слесарлар барча имкониятларини ишга солиб, меҳнат қилмоқда. Улар иш жойида иссиқ овқат билан таъминланмоқда. Таъмир вақтида сифатга алоҳида эътибор берилмоқда. Ҳар бир агрегатни махсус ташкил этилган комиссия қабул қилиб олмақда.

"Мирзаобод машина-трактор парк"га тегишли 16 та "Магнум" трактори ер ҳайдамоқда. Фермер ҳўжаликлари қарали 6550 гектар ер шудгорланди.

ИҚТИСОДИЁТ

янгиликлари

«Матиз»нинг янги модели

Жорий йилнинг биринчи кунлариданоқ Асакадаги "ЎзДЭУавто" қўшма қорхонасида "Матиз" автомобилнинг тўрт поршенли янги моделини ишлаб чиқаришга киришилди.

Автомобилнинг мазкур тури ёнигғини эскисидек сарфлайди, лекин қуввати бирмунча юқори. Жорий йил охиригача қорхонада 110 минг дона автомобиль ишлаб чиқариш режалаштирилмоқда.



Термизда боғ барпо бўлади

Термиз туманида катта майдонда боғ барпо этишга киришилди.

Ҳокимлик ташаббусига биноан бошланган бу иш ҳашар йўли билан амалга оширилляпти. Шунингдек, йўл бўйлари ва фойдаланилмай ётган жойларга ҳам мевали ҳамда манзарали дарахлар қўчатлари экиш режалаштирилмоқда.

Бентонент кукуни

Навбахор туманидаги "Бентонент" Ўзбекистон-Америка қўшма қорхонасида маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ўтган йилга анча кўпайди.

Тайёрланаётган бентонент кукуни нефть-газ санаетида, машинасозлик, металлургия, енгил ва озиқ-оқат санаетида ишлатилади. Шунингдек, ундан лак, бўёқ, резина ва косметика маҳсулотлари тайёрлашда ҳам фойдаланиш мумкин.


Базальт қайта ишланади

Нурота тизма тоғлари ён-баригадаги Балан-досмон қишлоғида базальт тошларини қайта ишлаш мақсадида "Электронизолит" Ўзбекистон — Россия қўшма қорхонасининг худудий бўлими ташкил этилди. Натияжада жамоа сафига яна 15 нафар форишлик ёшлар қўшилди.

Пахта толасу — экспортга

"Каттакўрғонпахта" очик турдаги ҳиссадорлик жамиятида шу кунгача 36 минг тонна хомашнинг 30 минг тоннага яқини қайта ишланди.

Олинган 10 минг тонна атрофидати тола тўлиқ экспорт қилинди. 15 минг тоннадан ортиқ чигит эса "Каттакўрғонёғмай" акциядорлик жамиятига етказиб берилди.



Фермер балиқлари

Пайариқ туманидаги «Датеп» фермер ҳўжалиги чорвачиликка ихтисослашган. Бу ерда 100 бошга яқин қорамол, 50 бошдан ортиқ қўй, 11 та от боқилляпти.

Фермер ҳўжалиги раҳбари Бердирасул Худойназаровнинг айтишича, бу ерда балиқчилик ҳам йўлга қўйилган. Ҳозир ярим гектарлик кўлда бешта ҳовуз барпо этилиб, балиқ урчирилмоқда.

Омбордаги дон

уни сақлаш талаб даражасидами?

"Старшина", "Бобур", "Чиллаки", "Лира", "Юбилей" навларининг буғдойи ҳам нон тайёрлашда ўзининг яхши хусусиятларини кўрсатади.

Энг қувончлиси, илгари хориждан галла сотиб оладиган мамлакатимиз эндиликда уни четга экспорт ҳам қилмоқда. Масалан, жорий йилнинг ўтган тўққиз ойида Афғонистон, Эрон, Қирғизистон, Тожи-

ди. Лекин, афсуски, айрим қайта ишлаш қорхоналарида давлат захирасига топширилган галлани сақлашда жиддий камчиликларга йўл қўйилмоқда.

"Ўздавдонинспекция" томонидан жорий йилнинг ўтган 9 ойида ўтказилган мониторинг натижаларига аниқланишча, "Боготдон", "Шовотдон", "Хонқадон", "Хонқагуруч",


насида дон меъёр даражасида сақланмаганлиги туфайли, уларга мита ва турли хил зараркунандалар талафот келтириётганини аниқлади. Мазкур қорхоналарда жами 14 минг 241 тонна галла зарарланган.

Бундай ачинарли аҳвол қорхоналар раҳбарларининг ўз вазифасига совуққонлиги, ўта масъулиятсизлиги туфайли рўй бер-

Қўшма қорхоналар — иқтисодиёт таянчи

Мамлакатимиз қорхоналарига хориж инвестициясини жалб этган ҳолда уларнинг ишлаб чиқариш қувватини оширишга катта эътибор қаратишмоқда. Қўқон суперфосфат заводида россиялик ишбилармонлар билан ҳамкорлик йўлга қўйилган, маҳсулот тури ва ҳажмининг ошишига эришилгани бунинг далилидир. Қорхонада ўтган йили қишлоқ ҳўжалик эканлари учун зарур бўлган 175 минг тонна аммонийланган суперфосфат ўғити ишлаб чиқарилди.

СУРАТДА: қўшма қорхона бош оператори Алишер Ортиқов. Тажиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.



САВДО МАРКАЗИ

НУКУС (ЎЗА мухбири) А.ОРТИҚБОВ).

Тўртқўл туманида Ўзбекистон Республикаси товар-хомашё биржасининг туманлараро савдо маркази иш бошлади. Бу Қорақалпоғистоннинг Тўртқўл, Эллиқалъа, Беруний ва Амударё туманлари фермерлари учун катта қулайлик яратди.

Марказнинг очилиши маросимида Президент Ислоҳ Каримов раҳнамолигида аграр соҳада амалга оширилаётган изчил ислохотлар самараси ўлароқ, қишлоқ ҳўжалигига замонавий технологиялар жорий қилинаётгани, фермерлар фаолияти учун имкониятлар кенгайиб бораётгани алоҳида таъкидланди. Фермерлар ўзлари етиштирган маҳсулотга электрон биржа савдолари орқали ички ва ташқи бозорда муносиб харидор топиши учун шароит яратилгани ҳам ана шундай ғамхўрлик самарасидир.

Янги марказ Оролбўйининг жанубий туманларида фаолият юритаётган фермерлар учун бу борада катта имкониятлар эшигини очди.

УРУҒЛИККА ХИЁНАТ ҚИЛГАННИНГ УРУҒИ КУЯДИ

Уруғлик чигитга қараганда техник чигитнинг ҳосилдорлиги 4 центнер ошди. Бир хил микдорда ўғит солинган, бир хил микдорда ишлов берилган ерда сара чигит деб қўмнат нарҳда сотилган уруғлик ўзини оқламагани хайратли эди. Қишлоқнинг натижаси шу бўлдики, заводларга уруғлик пахта ни ақсарият ҳолларда ҳўжалик ва туман раҳбарлари, қолаверса, уларнинг таниш-билишлари етказиб берадилар. Яна бу рўйхатга гапи дадил, ўз ҳақ-хуқуқини яхши биладиган ўн-ўн беш нафар тажрибали деҳқонни ҳам қўйиш мумкин экан. Ҳўш, нега бундай ҳол юзага келди? Уруғчиликда ҳам таниш-билишчилик иллати илди э отгани билан келишиб бўладими?

Пахта тозалаш заводидидаги рўйхатдан нухса олиб, бир неча далани айланиб чиқдим. Уларнинг кўпчилигида гўза дегани тиззага ҳам етмасди. Ниҳоллардаги чаноклар эса кичкина, кўпчилиги ҳатто тўрт чанок бўлиб қолгани, айниқса, ачинарли эди. Кузатиш, сўраб-суриштириш, далилу таҳлилларни таққослаш туфайли шундай хулосага келдим: вилоятдаги пахта уруғчилиги билан бевосита шуғулланадиган, масъулиятли ишга жаवобгар идоранинг иши қониқарсиз аҳолида.

Аслида уруғлик чигит экадиган дала соҳиблари — фермер ва оилавий пудратчилар туман миқёсидаги тендерда, яъни очик танловда иштирок этиш-

ри, фақат қолибларгина ўз даласида уруғлик пахта етиштиришлари лозим. Бизда-чи?

Танлов номигагина ўтказилди. Истаган одам тумандан юборилган рўйхат орқали ёки таниш-билиш-

ларники. Чунки Сирдарёга истиқболли навлар керак. Битта нав ўттиз йил яшар, қирқ йил яшар, шундай эмасми? Кейин айбдорни қидириб юрсак, бир-биримизнинг ёқамиздан тутсақ, бунинг фойдаси бўларми-

ро тил бириктириб, очиқроғи, қўлларини манфаат деган оловда иситиб, иш битирганликлари туфайли ана шундай хунук ҳол юзага келгани сир эмас-ку, ахир!

Бу — масаланинг бир томони. Унинг иккинчи томони тўғрисида ҳам ўйлаб кўрайлик. Юзлаб тақирим масофадан уруғлик буғдой темир йўл орқали келадими, автомобиль йўллари орқали келтириладими, харажат деган нарса бор. Бир неча минг тонна юкни ташиб келишимни ўзи бўлмайди. Қараб турибсизки, ана шу харажат уруғлик буғдой нарҳининг устига қўйилди. Кимга зиён — яна галлакор деҳқонга зиён!

Сирдарёда ҳам уруғлик галла етиштирилса бўлади, Бунинг учун ташаббус керак, ҳаракат керак. Мана шу оддий ҳақиқатнинг илмий-иқтисодий томонларини республика идораларига бориб исботлаш лозим «Олма пиш, озғимга туш» қабилида иш тутиш билан ният ушаладими? Бундай дейишимнинг сабаби бор. Сирдарёда ҳам «Дустлик» деж номиланган буғдой нави яратилган шўрга, сув танқислигига чидамли бўлган бу нав ўзини оқламоқда. Ушлаб тажрибали фермерлар ундан 60 центнердан ошмироқ ҳосил етиштирмоқдалар. Бирок унни оппоқ, нони мазали бўлган мана шу нав назорат остида бўлмаса, беш-ўн йил иккада исзис йўқолиб, фақат нони қолади. Негаки, вилоятдаги «Давруғназорат» инспекцияси

Яқинда матбуотда

Эълон қилинган Вазирлар Маҳкамасининг «Гўза уруғчилигини ташкил этишни тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорининг ҳар бир бандини қизиқиш билан, манфаатдорлик ила ўқиб чиқдим. Бу ҳужжатда соҳада йўл қўйилган камчиликлар танқид қилиниб, гўза уруғчилигини янада яхшилаш юзасидан аниқ чора-тадбирлар белгилаб берилгани айни мудоао бўлди.

Сирдарё вилоятидан қиёс: бу ерда пахта ва галла уруғчилигини намунали йўлга қўймасдан туриб, иккала тармоқда ҳам қўзланган мақсадга эришиб бўлмайди. Ўзингиз айтинг: ерни чуқур ҳайдагани билан галлир сувдан кўтарилганда олган ҳосилнинг даромади сарфланган харажатиндан кескин фарқ қилмаса, бундай меҳнатдан нима фойда? «Қийишқ ўтирсанг ҳам, гапинг тўри бўлсин» деган нақл бор. Мана, яқинда халқ депутатлари вилоят Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида Юртбошимиз Мирзақўлда қишлоқ ҳўжалиги соҳасида амалга оширилаётган ишларга ҳақли равишда танқидий баҳо берди. Бу танқид нафақат бизга ўхшаган деҳқонларнинг, балки раҳбарларнинг ҳам кўзини очди.

Пахта уруғчилиги тўғрисида гап очган эканман, бир мисол келтирай. Ўтган йили мавжуд ерга уруғлик чигит эқдик. Чигит ерга қалин тушдики ёки пахта тозалаш заводидида тарозидан уриб қолишганими, ишчилик, оёқкам бир гектар майдонда уруғ етмай қолди. Ернинг нами қочмаслиги учун ана шу қолган пайкалга тежинк, яъни оддий чигит қадашга мажбур бўлдик. Негаки, етиштирилган пахтанинг ҳаммаси ҳам барибир уруғликка топширилляпти.

Нима бўлди денг? Кузда

14 январь — Ватан ҳимоячилари куни

ЮРТ ПОСБОНЛАРИНИ ТАРБИЯЛАШ — ШАРАФЛИ ВАЗИФА

Мамлакатимизда оммавий-ватанпарварлик тадбирлари қизгин давом этаётди.

Ўзбекистон мудофаасига кўмаклашувчи "Ватанпарвар" ташкилоти марказий кенгаши раиси, полковник Абдулазиз Абдуқохоровнинг айтишича, мазкур тизимдаги тадбирлар мақсус ишлаб чиқилган режа асосида амалга оширилмоқда. Унда, жумладан, тегишли вазирлик, идора ва ташкилотлар билан ҳамкорликда кенг жамоатчилик, ёш ҳарбийлар ҳамда қақирлувчилар ўртасида мамлакатимиз мудофаа салоҳиятини юксалтириш, Куролли Кучларни ислох қилиш, ҳарбий хизмат нуфузини ошириш, замонавий ҳарбий аъёнларни тарбия этиш борасида амалга оширилган ишларнинг мазмун-моҳиятини тушунтиришга қаратилган маданий-маърифий тадбирлар ташкил этилган.

Тизимнинг барча ўқув муассасаларида давлатимиз раҳбарининг "Миллий армиямиз — мустақиллигимизнинг тинч ва осойишта ҳаётимизнинг мустаҳкам қафолатидир" рисоласи асосида суҳбатлар уюштирилиб, Куролли Кучларимиз ҳаётини акс эттирувчи кўргазмалар бурчаклар ташкил этилган.

"Ватанпарвар"нинг ўқув муассасаларида ёшларни маънавий баркамол, ҳарбий-техник жиҳатдан малакали, жисмонан бақувват Ватан ҳимоячиси этиб тарбиялашга катта эътибор қаратилмоқда. Курсантларни спортга жалб этиш уларнинг профессионал тайёргарлик даражасини ошираётган бўлса, кун тартибининг ҳарбий низоми талабларига яқинлаштирилган ҳолда ташкил этилиши қақирлувчиларда ҳарбий хизмат ҳақида дастлабки кўникмаларни шакллантиришда муҳим омил бўлаётди.

Ҳарбий қисм ва билим юртлирида ўтаётган "Очиқ эшик кунлари"да йигитлар ҳарбийлар ҳаёти, замонавий ҳарбий техника билан яқиндан танишмоқда. Улар ўртасида турли беллашувлар уюштирилмоқда. Булар асқар ва ҳарбийга қақирлувчи ёшларда ўзаро ҳурмат, ватанпарварлик, мардлик ва садоқат, миллий армиямиз билан фахрлини туйғуларни шакллантиришга хизмат қилиши шубҳасиз.

Талаба ва ўқувчилар, курсант ва асқарлар пойтахтимиздаги Ўзбекистон Республикаси Куролли Кучлари марказий, Ўзбекистон тарихи давлат, Темирўйлар тарихи давлат ҳамда "Шонли Ватан тарихи" музейла-

рига бориб ўзбек давлатчилиги, армиямиз тарихига оид экспонатлар билан танишмоқда.

Шунингдек, фахрийлар ва Куролли Кучлар раҳбарияти иштирокида "Ўзбекистон Куролли Кучлари: кеча, бугун ва эртага" мавзуда семинарлар, турли бадий ва ҳужжатли фильмлар намойиши, таниқли олим, жамоат ва маданият арбоблари, адабиёт ва санъат намояндалари билан учрашувлар ўтказилди.

Республика Техник ва амалий спорт турлари марказида янги мусобақалар мавсуми бошланади. Мамлакатимизнинг етакчи спортчилари иштирокида "Супермотокросс" бўйича Ўзбекистон биринчилиги беллашуви ўтказилди.

Барча ҳарбий қисм ва бўлинмаларда байрамона муҳитни яратишга қаратилган бу тадбирлар йил давомида ҳар бир ҳарбий хизматчининг кучига куч, ғайратига ғайрат қўшади. Зеро, мустақилликни мустаҳкамлаш, муносиб ҳимоя қила оладиган профессионал ҳарбийларни тайёрлаш, мард, кучли ва эгил юрт посбонларини тарбиялаш ишга муносиб ҳисса қўшиш "Ватанпарвар"нинг бosh вазифасидир.

Холмурод САЛИМОВ, ЎЗА мухбири.



Меҳнатни улуғлаган инсонни меҳнат ҳам улуғлайди. Ниёзбошиқ Валижон Аҳмедовнинг ҳам меҳнатқаш, ҳалол инсон эканлигини ҳамқишлоқлари қақирлувчиларининг боиси ҳам, балки шундан дидир. Қарий ўн йилдирки Валижон Янгийўла туманидаги "Ниёзбош" ширкат ҳўжжасида чилангар бўлиб ишлайди. Ўз касбининг фидойиси бўлган бу йиғит айни пайтда қишлоқ ҳўжжалик техникаларини мавсумга ҳўзирлашда фаоллик кўрсатаётди.

СУРАТДА: чилангар Валижон Аҳмедов иш устида. Рашид ГАЛИЕВ олган сурат.

ОЛАМ НАФАСИ

Янгиликлар, воқеалар, далиллар

Шикоят

рад этилди

Украина Олий суди мамлакат собиқ бosh вазир, президентликка номзод Виктор Януковичнинг Марказий сайлов комиссияси фаолияти устидан қилган шикоятини рад этди.

кўрсаткич 75 миллиард долларни ташкил этди.

Вазирнинг таъкидлашича, экспорт ҳажми янги йилда ўн фоизга ошади. Ўтган 2004 йилда Жанубий Корея уяли алоқа телефонлари ҳамда турли ахтиёт қисмлар етказиб беришда жаҳонда етакчи ўринлардан бирини эгаллади.

Ўй қамоғида ўтиради

Чилининг собиқ президенти диктатор Аугусто Пиночет уй қамоғида ўтиради-ган бўлди. Мамлакат Олий суди диктатор устидан олиб борилаётган жиноий ишни кўриб чиқишни тўхтатди. У ўтган асрнинг 70-80 йилларида кўпга одамларнинг ўлимида айбланаётган эди.

ФАТХ хавотирда

Фаластиннинг ФАТХ ҳаракати марказий кўмитаси ХАМАС гуруҳини Исроил ҳудудидаги террорчилик ҳаракатларини тўхтатишга қақирди. ФАТХ етакчилари фаластинликлар томонидан куролли қаршиликлар давом этар экан, Исроил армияси ўз ҳарбий амалиётларини тўхтатмаслигига ишонишмоқда.

Жорий йил 9 январда Фаластин маъмурияти етакчилиги учун турли ўтказилди. ФАТХ ўша кунни мамлакатда тартибсизликлар рўй беришидан хавотирда.

Яна зилзила

Япония шимолида Рихтер шкаласи бўйича 5,2 баллик зилзила қайд этилди. Маҳаллий метеорология марказининг маълум қилишича, Ер қимирлаши маркази Тинч океани қақрида, деб тахмин қилинмоқда. Зилзила цунами келтириб чиқармади. Жабранганлар ва вайронагарчиликлар қайд этилмаган.

ЮКОСнинг даъвоси

ЮКОС вакили «Юганскнефтегаз» сотилиши туфайли компания 20 миллиард доллар зарар кўрганлигини маълум қилди. Эндиликда компания Россия Федерацияси ҳукумати ва аукционда қатнашган ташкилотлар устидан АҚШнинг Хьюстон судига даъво аризаси билан муҳомаат қилишни режалаштирмоқда.

Америка судида Германиянинг Deutsche Bankи ҳам ЮКОСГА қарши чиқмоқчи. Банкирларнинг фикрича, компания Хьюстон суди орқали ҳаракат қилиш ҳўқуқига эга эмас.

Хориж матбуоти хобарлари асосида тайёрланди.

Улкан сайёрада

портлаш

Астрономларнинг маълум қилишича, олис самода — Куёшдан 300 миллион маротаба катталиқдаги сайёрада кучли портлаш кузатилган. Олимларнинг телескоп ёрдамида олинган маълумотларга қараганда, бу улкан олдунда айни пайтда газлар ажралиб чиқиш жараёни юз бераётганлигини айтишмоқда.

Натижалар

бекор қилинди

Озарбайжон Марказий сайлов комиссияси 2004 йил 17 декабрда маҳаллий кенгашларга бўлиб ўтган сайловларда мамлакатнинг 258 та сайлов участкасида сайлов қонунлари кўпол тарзда бузилганлиги боис натижалар бекор қилинди.

Уяли телефон

бозорга барака

кўришмоқда

Жанубий Кореядаги электроника компаниялари бу йил хорижда 85 миллиард долларлик маҳсулот ишлаб чиқаришни режалаштирмоқда. Бу ҳақда мамлакат ахборот ва алоқа вазири Чин Дэ Же маълум қилди. Ўтган йили мазкур

Офат бирлаштирди

Индонезия пойтахти Жакарта шаҳрида цунами оқибатларини бартараф этиш бўйича факултада халқаро конференция бўлиб ўтди. Унда АСЕАНга аъзо 10 та давлат ҳукумати вакиллари, БМТ Бош котиби Кофи Анна, ЮНИСЕФ ижрочи директори, Жаҳон банки ҳамда Еврокомиссия раҳбарлари, АҚШ, Канада, Ҳиндистон ва Австралиядан вакиллар иштирок этишди.

БМТ Бош котиби бундан ўн уч кун олдин цунами ва зилзиладан зарар кўрган Жанубий ва Жануби-Шарқий Осиё мамлакатларига инсонпарвар-

лик ёрдами кўрсатишда ривожланган мамлакатлар ташаббусини қўлга олишларини сўраб, халқаро анжуман қатнашчиларига муҳомаат билан чиқди. Унинг таъкидлашича, яқин олти ой давомида цунами ва зилзиладан зарар кўрганларга 977 миллион доллар зарур бўлади.

Маълумотларга қараганда, 5 миллионга яқин аҳоли табиий офат туфайли ҳозирда бошпанасиз қолди. Ривожланган давлатлар жабранганларга бутун имкониятларини ишга солган ҳолда ёрдам беришга ваъда



қилишмоқда. Жумладан, Германия ва Австралия биргаликда 1,5 миллиард доллар миқдорда ёрдам кўрсатишни кўзламоқда.

ИТАР-ТАСС ахборот агентлиги хабарига айтилишича, айни пайтгача 50 дан ортиқ давлат тарафидан 4 миллиард доллар миқдорда маблағ ажратилган.

Бундан ташқари, анжуманда жабр кўрган давлатлар қарзларини тўлашни кенчиктириш ёки умидан воз кечиш борасидаги таклифлар ҳам муҳомаа қилинди.

Йўлингиз Лондонга тушса...



Буюк Британия парламенти биноси ҳар соатда 4 марта жарангайдиган «Биг Бен» кўнгирокли соат миносаси билан дунёга машҳур. Бино ичкарига фақат парламент вакилларининг тақлифи билан ё қуйи палата кенгаши пайтида кириш мумкин. Агар у ерга кириш сизга насиб этса, бинога кираверишдаги Черчилл ҳайкалининг оёқ кийимига кўл теккизишни унутманг. Шундай қилиш кишига бахт келтирармиш.

Ўрта аср даҳшатларини кўрмоқчи бўлсангиз, Лондондаги «Лондон туни» деб аталув-

чи музейга таширф буюринг. У дунёдаги энг кўна музейдир. Катл қилиш маросими, Катта Лондон ёнғини саҳнаси шундоққина кўз олдингизда жонланади.

Юраги бақувватлар учун алоҳида экскурсия — Лондоннинг энг кўрқинчли кварталлари бўйлаб саёҳат. У ерда сиз эркактларнинг ўзаро жанжаллари, аёлларнинг ҳўшидан кетиш саҳналари устидан чиқасиз. Булар бари жуда ишонарли, худди ҳаётдагидай кўрсатилади. Лондоннинг ғарбий чеккасида жойлашган «Kew Garden» истироҳат боғидан йил бўйи саёҳатчилар аримайди. Боғ катта аквариум, ажойиб гулхона ва «Капалаклар уйи» деб аталадиган ўрмондан иборат. Ўрмон ҳаммиша ям-яшил бўлиб, мўътадил ҳарорат ўзгармай туради. Хайратланарлики, сиз бу ерда капалак, нинчанларнинг туғилишидан то ноҳуд бўлгунча бутун жаҳонга гувоҳ бўлишингиз мумкин.

Лондоннинг Трафалгар майдони дунёдаги энг сурбет қабуллар макони ҳисобланади. Улар сурбетликда Венециядаги Сан-Марко майдонидаги «дўстлар»идан ҳам ўлиб тушади. Қабуллар сизни кўриши билан олдингизга келди. Аммо уларга евуллик тутманг. Акс ҳолда Сизга 500 фунтдан - 150 фунтгача жарима солишади.

Д. ЭГМАҚУЛОВА тайёрлади.

2005 йил — Сихат-саломатлик йили

Ферузахон беморига алланарсаларни тушунтираётган эди. Бўлим мудирини хонага ёшгина қизин бошлаб кирди-да, «Бу синглимиз сиздан иш ўрганишни ният қилган экан, ўзингиз устозлик қиласиз-да», дея қулди-ю, тезда чиқиб кетди. Шифокор таниш чеҳрага разм солган, «Ҳозир» дегандек, яна беморига юзланиб, дори-дармонлар ёзиб берди. Муолажалар тартибининг эринмай тушунтирди. У чиқиб кетгач, жилмайиб турган бўлажақ ҳамкасбига тикилди.

— Кўзимга иссиқ кўриндингиз, кўзим... Сизни қаерда кўрганман? — Сиз мени ёшлигимда даволагансиз, — энтикиб гап бошлади Гўзалой.

— Бир сафар ҳатто шифохонага ётқизиб ҳам тинчимай, келиб кўриб кетганингиз, «Жонингга жоним-а, тузалиб қоласан», деб юпатганингизни сира эсимдан чиқармайман. Қачон қабулингизга чиқсам, фонендоскопингизни кўлголимга киргизиб, «Мана мени сизни ёшитиб қўяман», деб кўп тижирлик қилардим. Шунда «Катта бўлиб, дўхтирликка ўқисанг, шу эшитидаганимни сенга бераман, касалларни ўзинг даволайдиган бўласан», дердингиз. Мана, энди сиз каби ҳаммага ёқадиган, айниқса, болалар яхши кўрадиган дўхтир бўлишни орзулаб ёнингизга келдим.

«Тавба, кечачина ўзи даволаб, оёққа кўйган, «Полугим, бўталогим», дея эркалаб юрган ўша жажж-қизалоқ бугун унга ўринбосар бўлиб турса... Ажаб, вақт йилдирим-а».

Ферузахон неча йиллик ўй-хаёлларини йиғишти-

риб олгунча, қизи тушмагур яна кўп нарсаларни эслатди-қўйди. Шифокор унинг сўзларини тинглар-

линчак мисоли. Мухандис — турмуш ўртоғи Баҳромжоннинг «сиз» тили халигача «сан»га бормади. У умр йўлдошини тўғри танлаганидан шўрона қилиб юради.

Унинг сийрати. Дилида ҳаммиша бир ўй ҳўкмон: «Катталар-ку дардини дoston қила олади, қаери безовта қилаётганини ўзи ҳам билмайдиган болажонларнинг жони оғримасин-да, ишқилиб...»

ларини синчиқлаб текшираётганда, унинг дардини тинглаётганда шулар ҳақида ўйлайди. Аксарият шифокорлар қўллайдиган — даволашни бир йўла кучли дори-дармонлардан бошлашни ҳўш кўрмайди. Хаста киши бундай дори-дармонларга ўрганиб қолиб, кейинчалик унинг таъсирини сезмай қўйиши мумкинлигини ҳўсбга олиб иш тутати. Халқ таоботидаги табиий муолажа усуллари-

бувалари табиий гиёҳлар билан даволайдиган табиий ўтган эканлар. Уларнинг ўғитлари Ферузахоннинг доимо дилида, кўнглида, ўй-хаёлида бўлади. Елкасида инсон ҳаёт-момоти масъулияти туришини у ҳаммиша қалб-бан ҳис этади. Чўнки мактабда ўқиб юрган кезлари ҳам, Педиатрия институти талабаси бўлганда ҳам одамлар дардига ҳал-ҳаллама-маҳалла, кўчама-кўча, уйма-уй юриб текширишдан чарчамайди. Чақирилмаган бўлса ҳам ўзи хавотирланган айрим беморларнинг уйларига йўл-йўлакай кириб, яна бир назорат қилиб кетади. Шундагина уйда, оиласида беҳавотир бўлади.

Балки шу боисдандир бугун бир пайтлар муолажаларидан даво топган ўша қизалоқ жонига жон бўлишга тайёр шифокорнинг йўлини, касбини танлагани...

Умида ФАЙЗИЕВА, «Халқ сўзи» мухбири.

ЖОНИНГГА ЖОН, БОЛАЖОН

кан, унда ёшлигини кўргандек бўлди...

Унинг сурати. Кўринишидан жарроҳларга ўхшайди — гавдали, жиддий, салобатли. Аслида болалар шифокори — мулоим, кўнгли тоза, беморнинг дардини ўзиникидек қабул қилувчи — педиатр. Болалар тилида «Оқ дўхтир», «Тилла дўхтир», Катталар эса «Жонфидо дўхтир», «Дардинги олгунчи дўхтир» деб таърифлашади, чўнки у оилавий шифокор.

Ҳеч ким уни набирали демайди. Еш бўлса-да, «бувижон» бўлганига бир неча йилдан ошди. Ўзи қайнона-ю қайнонаси учун хануз кечачина тушган ке-

Тошкент шаҳар Соғлиқни сақлаш Бош бошқармасига қарашли ўқув-даволаш комплекси поликлиникаси оилавий шифокори Ферузахон Ғуломовнинг сурати ва сийрати ана шунақа. Унинг фикрича, поликлиника шифокори беморга дастлабки ташхисни тўғри қўйса, бу касалнинг тузалиши сари ташланган дастлабки қадам бўлади. Ферузахон шундай фикрлайди ва шунга амал қилади. Қабулига келган ҳар бир бемор унинг учун ё онаси, ё отаси, ё ака-ука, ё опа-сингли, ё фарзанди. Ундан ёрдам — мадад истаб келганларнинг касби-кори, мактеби, қаерда ишлаши Ферузахонни кизиқтирмайди.

«Беморнинг қаери касал, унга қандай дори-дармон бериш мумкин, аъзои баданига қай бири тўғри келади? Ёзиб бериладиган дориларни сотиб олишга унинг кўрби етадими?» Шифокор бемор-

ни қўллашга интилади. Бунини мижозлари ҳам яхши билишади. Шу боис поликлиникага даво истаб келганларнинг аксарияти ўз участкалари бўлмаса ҳам, айнан «Ғуломовга» киришни истайдди. Қизиги шундаки, жони оғриганидан бир ҳолатда мунгайибми, ҳўрайибми келган бемор бу шифокор қабулидан дардини унутгандек ёнгиб чиқиб кетади. Чўнки Ф. Ғуломова бемор дардини обдон тинглайди, синчиқлаб текширади, зарур бўлса, тиббий ёрдам ҳам кўрсатади. Иккиланган ҳолатларида албатта бошқа мутахассислар билан маслаҳатлашишдан эринмайди.

Бу хислатлар унга ота мерос, она мерос. Чўнки раҳматли оталари Фозил Султонов — ЛОР шифокор эдилар. Аналари Лазоқат Эргашева — педиатр-эндокринолог, тиббиёт фанлари номзоди, доцент. Хануз беморларни даволайдилар. Қолаверса,

«СОҒЛОМ АВЛОД»НИНГ ХАЙРАИ ИШЛАРИ

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ (ЎЗА мухбири Неъмат ДУШАЕВ).

«Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси Сихат-саломатлик йилида оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, ёш авлодни баркамол воёга етказиш борасидаги хайри ишларни янада кучайтирмоқда.

Жамғармининг Тошкент вилоят бўлими Германиянинг «Friedensdorf

International» ташкилоти гранти ҳисобидан 1-Тошкент давлат тиббиёт институти ва «Алишер — тиббиёт» хусусий клиникаси билан ҳамкорликда лаб-таблайида тўғма нуқсонли бўлган болаларни улар яшайдиган шаҳар ва қишлоқларнинг ўзида даволашни йўлга қўйди. Бундай хасталикка чалинган йигирма бола жарроҳлик йўли билан даволанди. Жамғармининг вилоят

бўлими раиси Гулсанам Ваҳобованинг айтишича, олис қишлоқларда яшайдиган кам таъминланган оилалар ўз фарзандини пойтахтга олиб келиб текширтириш ва даволатишга ҳаммиша ҳам имкон тополмаслиги мумкин. Шунини ҳисобга олиб, шифокорларнинг ўзлари уларнинг олдига борапти. Ташхиси аниқлангач, бемор болалар «Алишер — тиббиёт» клиникасида операция қилинади. Жорий йилнинг охирига қадар эллик нафардан зиёд болани ана шу йўл билан даволаш кўзда тутилган.



Учқўприк туманидаги Буюрхўжа қишлоғида қишлоқ врачлик пункти фойдаланишга топширилди. Айни чоғда мазкур шифо маскани шу ҳудудда истиқомат қилаётган 8100 нафар фўрақаро малакали тиббий хизмат кўрсатиш имкониятига эга. Бу ерда муолажа, лаборатория, физиотерапия, эмлаш, стоматология, оналар ва болалар хонаси, кундузги шифохоналар мавжуд.

СУРАТДА: лаборант-ҳамшира Одина Ҳасанова иш устида. Шўхрат ОЛИМОВ (ЎЗА) олган сурат.

Футбол

ТЕРМА ЖАМОА ТАЙЁРГАРЛИКНИ БОШЛАДИ!

Футбол бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси янги мавсумга тайёргарликни бошлаб юборди. Жамоа аъзоларининг эрта йиғилишига 2006 йили Германияда ўтказиладиган жаҳон чемпионатининг якуний саралаш учрашувлари мuddати яқинлиги сабаб бўлди. Чунки Ўзбекистон миллий терма жамоаси, Осиё футбол конфедерацияси томонидан тузилган тақвимга кўра, 9 февраль кuni Тошкентда Саудия Арабистони футболчиларига қарши саралаш гуруҳининг дастлабки учрашувини ўтказиши лoзим.

Терма жамоамиз раҳбарияти мавсумга тайёргарликни икки босқичда ўтказишни маъқул топди. Даставвал футболчиларимиз бир ҳафта давомида пойтахтда машғулот ўтказди. Иккинчи

босқич эса Бирлашган Араб Амирликларида давом этади. Йигитларимиз икки ҳафталик хорижий йиғинга 9 январь кuni жўнаб кетади.

Мураббийлар терма жамоанинг ўтган йилги

таркибини сақлаб қолган ҳолда янги номзодларни ҳам синаб кўришга ҳаракат қилмоқда. Шунинг учун ўқув-машғулот йиғинларига Андрей Бакланов ("Насаф"), Нодир Қўзибоев ("Нефтчи"), Хайрулла Каримов ("Машъал"), Иброҳим Раҳимов ("Трактор") каби иқтидорли футболчилар жалб қилинди. Шунингдек, легионерлардан — Италиянинг "Реджина" жамоаси вакили Илёс Зейтуллаев, Марат Бикмаев ("Крилья Советов"), Андрей Аюпанц ("Ростов"), Андрей Фёдоров ("Рубин") ҳамда

Қозоғистон суперлигаси тўпурари Улуғбек Бақоев ("Тобол") ҳам таклиф этилди.

Бирлашган Араб Амирликларида футболчиларимиз бир неча жамоалар билан назорат учрашувларини ўтказди. Жумладан, 11 январь кuni Ўзбекистон терма жамоаси "Ростов"га қарши майдонга тушади. Терма жамоа раҳбарияти Украинанинг энг кучли жамоаси — "Динамо" (Киев) вакиллари билан ҳам ўртоқлик учрашуви ўтказиш борасида келишиб олган.

Зоҳир ТОШҲУЖАЕВ, ЎЗА шарҳловчиси.

ҚАРШИ (ЎЗА муҳбири Аҳад МУҲАММАДИЕВ).

Сайдо Насафий номидаги вилот кутубхонасида Қарши шаҳрининг 2700 йиллигига бағишланган "Насаф — асрлар силсиласида" мавзуида кўرғазма очилди.

Шаҳар юбилейига бағишланган кўрғазма

Ундан шаҳарнинг қадимий тарихи ва истиқлол йилларидаги ҳаётига оид китоблар, мақолалар, альбомлар ҳамда суратлар ўрин олган. Бундай кўрғазмалар кутубхонанинг жойлардаги уч бўлимида ҳам ташкил этилган.

MAKTAB, KOLLEJ VA TIBBIY MUASSASALAR UCHUN KATRIS KОРХОНАСИ МЕБЕЛЬ ИШЛАБ ЧИҚАРАДИ ВА СОТАДИ. Тел.: 90-07-87, 92-03-95, 158-15-73.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ. ЎРТА МАХСУС КАСБ-ХУНАР ТАЪЛИМИ МАРКАЗИ. 2002-2004 йилларда академик лицей ва касб-хунар коллежлари учун яратилган дарслик ва ўқув адабиётларини қайта нашр этиш бўйича республикадаги босмахоналар ўртасида танлов эълон қилади.

Ташкилот ва корхоналар раҳбарлари диққатига! РОССИЯ АВТОМОБИЛЛАРИ КРЕДИТГА ВА ЛИЗИНГГА! ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИ ЗАВОДЛАР ДИЛЕРИ «ИЖМАШВТО» ОАЖ.

Тошкент шаҳар Миробод тумани ҳокимияти томонидан «Textile Industries» МЧЖга улгуржи савдони амалга ошириш учун берилган рўйхат рақами №217/03 бўлган УС №001988 сонли лицензия йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛ ХОМАШЁ БИРЖАСИДА. 2005 йил 10 январдан республика истеъмолчиларига «Шўртан газ кимё мажмуаси» томонидан ишлаб чиқарилган 500 тонна полиэтилен маҳсулотни қуйдаги марказларда биржа савдоларига қўйиб сотилади, бир тонна маҳсулотнинг бошланғич нархи — 840000 сўм.

Пасту-баланд адирлар эстагига жойлашган, икки ёнини шарқлаб оқадиган серсув сойлар ювиб тушадиган, бору-йўғи ўттиз хонадон ашайдиган бу ям-яшил кишлоққани неғадир Қўрғонча деб атайдилар. Робия хола ҳам бошқалар қатори шу манзилда умргузаронлик қилади. Дову-даракларга қўйилган катта богда якяко ёлғиз яшайди. Йўқ, унчалик ёлғиз ҳам эмас. Худого шукр, кўздай қўшиқлари бор. Кунчиқар тарафида худди ўзига ўхшаган орик, котма, ёши ҳам саксондан охиб қолган, ниҳолари бир кунда бўлиб ўтганидан хамиша фархланиб юрадиган Бибиқиз хола бор. Қўблага томонида бугирсоқдек дум-думалоқ, сергагинга, куйди-пишдиғина Аноровийнинг оиласи яшайди. Уғил-кинолар чиқиб туришади. Ўт қилишади, мева теришади.

ни ким қари дейди. Қари деганининг қорини мана шу пичоғим билан ёриб ташлайман... Қани, суюнчини чиқаринг тезроқ. Бой хола, мен кеча набирангизни кўрдим! Холанинг нурсиз кўзлари ёниб, тиришу, ажин қоплаган юзлари нурлангандек бўлди: — Қобилжонимни, вой тилинганга новот-эй. Қарда кўрдинг? — Туман марказида. — Марказида? — Ҳа, марказида кўрдим. — Қобилжонимни ўз кўзинг билан кўрдингми? — Ҳа, мана шу чарақлаб турган кўзларим билан кўрдим. Иккинчи қаватнинг йўлагидан секин ўтиб бораётган эдим, ашиқ очилиб тўсатдан Қобилжон чиқиб қолса бўлади-

туманнинг каттаси бўлиб кепти», деб мактанади. Шу сўзларни айтганда юзлари гул-гул ёнгандай бўлади. Саври кампир бўлса хушхабарни эшитган: — Хайрият, етимчангиз тирик экан! — деб севинди, — энди тўй ҳам қилиб берарсиз. — Худо хоҳласа каттасини қиламан. Карнай ҳам чалдираман. Бир нафасда Урмон бободан қолиб хувиллаб ётган катта ҳовли кўни-қўшниларга тўлди. Файзли бўлиб қолди. Аноровийнинг ўғил-қизлари югуриб чиқиб, бири ҳовлига сув сепган, бошқаси супурган, сўрининг устидаги эски кигиз ўрнига янги гиламар солиб, атлас кўрпачалар тушаган. Қўйни Аноровийнинг ўзи сўйди. Ёғли патирлар

буён сизга совчи қўяди. Шу бугун тўйларининг ўтказиб қўя қолайлик. Кизу-жувонлар шарақлаб кулиб юборишди. Бошқалар ҳам қўшилиди. Ховлини қувончи қаҳ-қаҳа қоплагандек бўлди.

Кеч кира бошлади. Қоронғу тушди. Қўрғонча осмонига чарақлаб юлдузлар чиқди. Шўрва ичилди. Палов сузилди. Қўшилар таркала бошлади. Ичкари уйда ёзилган катта дастурхон атрофида Бибиқиз кампир билан Робия хола ёлғиз қолишди... Эҳтимол, Қобилжонининг иши битмагандир, эҳтимол, шериклари бошқа кун борармиз дея йўлини тўсишгандир... Борди-ю, оғриб қолган бўлса-чи? Йўқ, йўқ, худо сақласин. Кампирлар галма-гал марҳум эрларини эслашди. Кўп яхши инсонлар бўлган эканлар, илоҳ гўрлари нурга тўлсин.

Сухбат тонг отгунча давом этди, мижа қоқишмади. Бомдод ўқишди. Икки кампир яна кун бўйи кўча пойлашди. Кечга томон яна қозонга шўрва солишди. Аноровий ошга зирвақ қилган бўлди.

Яна дарак бўлмади. Бой хола, набирангизга ҳам осонмас, атрофида пойлоқчилар бўлса ҳам ажабмас, — деди Аноровий мазъосланиб қолган кампирнинг кўнглини кўтариб.

— Биламан, — хўрсинди хола, — ишқилиб, ўзига гап тегмаса бўлди. Учинчи кун ҳам тайёргарлик кўриб, бетоқат куттишди. Йўқ, яна дарак бўлмади. Ишқилиб, Қобилжонга бир гап бўлмаган бўлсин-да. Хола туни билан Аноровийни ўхлатмади, ўт ташидан бошқасига ярамай қолган эски машинасини оёққа турғазтирди. Машина тариллаб орқасидан тугун чиқарганини кўриб холанинг дилидаги кенгаги хавотирланиш, ўқинишдан қолган гапнинг ўрнига чароғонлик, хушхуллик қуйилиб кела бошлади. Гўшт қовурганда, қатлама пишираётганда, богдадан узум олиб чиқатганда Қобилжон буларни кўриб қанчалик қувонини мумкинлигини ўйлаб, кўнгли яна ҳам айраганини хис қилди. Хаёлан кўлари билан набирансининг бугдой ридан ўлиб бағрига босар, қўн-қора сочларидан хидлаб-хидлаб қилиб туриши, қозининг чўкилиги, пешонасининг кенглиги, кўзларининг хамиша чарақлаб туриши бамисоли марҳум ўғли Маъруфжоннинг худди ўзига ўхшаганлиги учун хаёлида бағрига босаётгани ўғлимиди, набирансинида ангамас эди. То мольа идорасига етиб боргуларича шу хаёли учрашувдан келаятган руҳий лаззати, масрурлик деб аталмиш жаннатий ҳолат уни тарқ этмади. Олам гўзаллашиб кетгандек эди.

«Москвич» молия идораси олдида сиклиниб тўхтаган, Аноровий хола авайлаб тўшириб ёнидаги узун курсига ўтказиб, ўзи худди суюнчи олишга ошканик бўлиб кетди. Орқасига оппоқ қўйлаги устидан томоғини бўғиб қизил галстук таққан ёқимтойгина йигит билан қайтди. — Уртқ Қобил Маъруфович кетганлар, — деди йигит неғадир хи-жолатнома оҳангда. — Вой, қаёққа кетади?! — Хола шошиб ўрнидан турди. — Алдама болам, мен буйвиси бўламан! Бир ҳафталик текширув кеча тугабди, актлар ёзилдибди, яхшигина кузатиш маросими бўлибди, ўртқ Қобил Маъруфович ширақайф эканлар, ҳаммалари билан ўлишиб хайралишибдилар. Кейин махсус машинада жўнаб кетишибди. Уч машинада туман чегарасигача кузатиб боришибди.

Робия хола қайтиб ўрнига ўтирди. Хўрсинди. Юқорига кўтарилиб бораётган йигитчанинг ортидан анча маҳал тикилиб турди. Ич-инидан галати бир қалтироқ тургандек бўлди, совуққотгандек сездди ўзини. Аноровий билан бир-бирларига тикилиб қолишди. Узок тикилишди.

Кейин дов-даракларга қўйилган сокин Қўрғонча қишлоғига жўнаб кетишди. Хола бора-боргунча ишқилиб, ёлғизгинамга бир бало бўлмаган бўлсин-да, Оллоҳим, ўзинг пахонинг да асра, дея дую қилиб борди.

ҚАЛБГИНАМНИНГ ҚУВОНЧИ



Хикоя

Хавонинг мусофиролиги, қушларнинг тонғи қаршилаб басма-бас сайрашига, гулларга қўнган шўд-ринг томчиларини ранго-ранг товланишига, ҳамма-ҳаммасига Оллоҳга шукроналар айтиб бомдод ўқийди, жойнамозда узок ўтиради. Эрининг, оламдан оёвақ кетган арслондек ўғли-ю, ойдек келинининг руҳи, арвоҳларига фотиха ўқийди, Оллоҳдан гуноҳлари бўлса кечириб, уларга жаннатдан жой беришини сўрайди. Кейин ҳозирда ашаб турган якяко ёлғиз набирансини ўйлаб кетади. Қўкси қизгандек бўлади. Хира, нурсиз кўзларида йилларда ёш томчилари кўринади. «Э Оллоҳим, — дея қафтини очиб илтижо қилади, — дея қаҳ ёлғизимни ўзинг эҳтиёт қил, ишларига қушайиш бер, мендан кейин хонадонимнинг чирогини ёқини шу набиранчага насибла ю рўзи қил. Олти ёшида қолувди-я, Оллоҳим, йўл бердинг, ўқитдим, меваларга яхши ҳосил бердинг, пуллаб ўйладим. Майли, ойда-йилда келмаса ҳам, тани-жонини омон қил! Оллоҳим, унга яхши фарзандлар бердинг, бориб кўролмасам нима қилай? Уларнинг ҳам жонини омон сақла...»

Хола хўрсина-хўрсина ўрнидан туриб ичари кирди. Қобилжонининг сини қаловоти бор, ўшанда катта бўлган. Интернетда, ундан кейин институтда ўқиганда ҳам қачон келса шу қаловотда ётар эди. Юмшоқ кўрпалар, оппоқ чойшаблар тўшаб қўйилган. Мана шу юмшоқ болашларга унинг боши теккан, сонларининг хиди келиб турибди. Хола ёстиқларни оҳиста-оҳиста силди, қайта-қайта хидлади, яна қўйилиб йўғи келди. Деворда, шундоққина сини қаловот ёнида Қобилжонининг талайгина суратлари бор. Ушаларни қайта-қайта силлаб, кафтини кўзларига сурди.

Кўча ашиқ шарақлаб очилди. Бу Аноровий, албатта. Семириб кетган, бир қанотига сиймади, Икковий қанотини тешиб оёнди. Сёқни юршига-ю тешишга чиқарган деб қулади.

— Бой хола, қани суюнчини чиқаринг, — қувнок овоз эшитилди ховлидан.

Хола қўблага таяниб ўрнидан турар экан: — Жоним сенга суюнчи, мактан-чоғим, — деб қўйди. Сунг шоша-пиша қўблагининг узун энги билан кўз-ёшларини арта бошлади.

— Ие, яна йиғлагингизми? — шошиб сўради Аноровий. — Ҳа, энди қарилмак да, болам.

— Эй, Бой хола, саксон ёшини-га ёнғонинг устига чиқиб қар-ғалар билан мева талашасиз-у, сиз-

ми. Қўблага синарете тўтаб турибди. Аввалгига ишонмадим. Унғимми, тушимми дейман. Қобилжоним десам, амаки, секинроқ ҳа, менман, дейди. Югуриб бориб бағримга босай десам, қўлини узатиб ичкарида нозик одамлар бор, дея омонатгина сўрашди. Қачон келдинг десам, уч-тўрт кун бўлиб қолди, дейди. Нега тўпа-тўғри кишлоққа бормадинг десам, комиссия бўлиб келганим дейди.

— Қанақа комиссия? — хавотирланиб сўради хола. — Э, Бой хола, ўқимагансиз-да, комиссия дегани бу текширувчилар дегани бўлади.

— Ишқилиб, болагинамнинг ранги-руйи тўзуқиними? — Икки бети боғингизда пишадиган анор донасидек кин-қизил, сочлари силлик таралган, бўйида кеткелган шойи галстук, тўфилари яқарлайди, худди кинолардаги артистларникига ўхшайди.

— Бобоси раҳматлик биздан ҳам катта одам чиқар эканми, деб орау қилар эди. Ишқилиб, бораман дедими?

— Харақат қиламан деди. Холанинг кўксидан илик бир тўлқин дурқун-дурқун мавжларини ўтаётгандек эди. Тўсатдан оёқларидан дармон кетиб борлигида энгил қалтироқ турди. Енгинасида турган эски ўғрини йиқитиб устига ўтирди. Халиги илик тўлқин қувончданми-ди, нурга айланиб юзу-кўзларини ёритиб юборгандек бўлди. Хола қули-лисиради...

— Худого шукр, болагинамни қалмолга отказибсан... Энди нима қилдик, Аноровий?

— Энди ваъдангизнинг устидан чиқасиз, Бой хола.

— Вой, нима деб ваъда берган эканман?

— Қобилим келса қўй сўяман деган эдингиз-ку.

— Ҳа, худо битта — гапим битта. Айтганман. Тенгқурларини қақчириб зифат ҳам қиламан деганман.

— Кўчорнинг каттасини сўя қолайлик. Шохи ўсиб кетган. Бола-ларни сузаёпти.

— Кичкинасини сўйсанг гўштга тўймай қолсанми, мекчай? — сўради Робия хола.

— Қорин катта-да, бой хола, — Аноровий кулиб қорнига шапиллат-дида давом этди.

Холанинг бор вужудига куч қўйилиб ўзини қўрғога жой топа олмай қолди. Бир уйга кирди, нима учун кирганини англамай дарров орқасига қайтди, бир қўшиларникига югуради, Бибиқиз ўртюғига «Хой, суюнчи беринг, Қобилгинам келяпти,

ёпилди, катта қозонга шўрва солинди.

Робия холанинг шодлиги қалбига сиймай боради. Енгарини шимариб олган, гоҳ ўчоқ бошига чиқади, гоҳ ёлғизгинам келиб қолса бе-хабар қолмай деб қўнғага югуради, кафтини пешонасига сомон қилиб узок-узокларга тикилади. Паловга тайёргарлик кўра болашди.

Робия хола ёлғизгинам ўзи билан нозик мехмонларни бошлаб келса, ушалар олдида уялиб қолмасин дея ичкари кириб, катта ёғоч сандикни очиб қора гулли шойга қўйлагини кийди, ҳожи бува соғва қилган оқ харир рўмолини ураб, раҳматли оқрининг замонидан қолган то-воғида гарчи бор махси-қовушини кийди. Ховлига неғадир уялинкараб чиқди. Ёши-қарининг нигоҳи ўзига қадалганини сезиб, худди биронинг кийимини кийиб чиққандек, баттарроқ хижолат бўла бошлади.

— Вой, бўй, — деди Аноровий чўзиб ва ҳаммага эшиттириб, — Бой хола, загсга кетаётган ёш қизлар-дек бўлиб кетибсиз-ку.

— Холажон, чиндан ҳам жуда ёшариб кетибсиз, — деди хизмат қилаётган келинлардан бири.

— Набирам келадими-ю, нега ёшар-мас эканман, тандир қосовдек қоп-қора бўлиб турсам, яхши бўлмасди-да.

Аноровий худди ташқарига чиқмоқ-чидай хозирланиб:

— Мен кетдим бўлмаса, — деди яна ҳаммага эшиттириб.

— Вой шўрим, яна қаёққа? — шо-шилиб ташвишли сўради хола.

— Кал Нишонни айтиб келаман, — қувнок жавоб қайтарди Аноровий.

— Шўринг қурғур чол, ўттиз йилдан

Халқ сўзи Народное слово. МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вази́рлар Маҳкамаси.

Бош муҳаррир Аббосхон УСМОНОВ. Ташхир хайъати: Э. Болев (масъул котиб — «Халқ сўзи»), П. Дюгай, Ш. Жабборов (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»), Л. Кучеренко (масъул котиб — «Народное слово»), М. Мираллимов, С. Мухиддинов, Ш. Риззев, А. Саидов (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»), М. Сафаров, И. Ўтбосаров, А. Ҳайдаров, Ҳ. Ҳошимов. ТЕЛЕФОНЛАР: Газетхонлар билан алоқа ва мунтақалар бўлими 133-52-55; Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг 001-рақам билан рўйхатга олинган. Булортма 1 — 063 30475 усулда бошланди, ҳажми — 2 тибок, Обфет усулда бошланди. Кенос, бичими А-2. Газета ИВМ компьютерга терилди ва операторлар Жамшед Топлев ва Бахдулар Файзиев томонидан саҳифаланди. Ташхириятда ҳажми 5 қотолдан энди материаллар қабул қилинмади. (П)Тикторат материалли.

МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Навбатчи котиб — А. Орпнов. Навбатчи муҳаррир — К. Эшматов. Навбатчи — М. Жонхонов. Мусхаллаҳ — М. Ёкубова. «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буёқ Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 21.00 Топширилди — 21.40 12345